



Дуглат — кад. туркий кавмлардан бири. Булар 13-а. да Чигатой улусининг шаркий минтакаларида яшовчи етакчи кабилалардан бўлган. Дуглатлар Шаркий Туркистонда, Иссиқкўлнинг жан. да, Фаргона водийсининг шим. р-нларида кўчиб юрганлар. Асосий машгулоти чорвачилик бўлган. Мўғулистон давлатига итоат қилмаган Дуглатлар ўз мустақилликлари учун бетиним курашиб, 1427 — 28 й. ларда Кашкарни эгаллайди ва бу вилоятни то 16-а. нинг 1-чорагигача мустақил идора қилади. Захириддин Муҳаммад Бобуршт онаси Кутлуг Нигор хоним ва «Тарихий Рашидий» муаллифи Мирзо Муҳаммад Хайдар Дуглатдан бўлганлар. 15—16-а. лар давомида Дуглатлар бир канча гуруҳларга бўлиниб кетган. Улар Фаргона, Тошкент, Самарканд, Коратегин ва Хисор вилоятларига келиб жойлашган. Дуглатлар ҳозирда ўзбек, козок ва қирғиз халқлари таркибига сингиб кетган.